

63.5(29)  
#98  
БУРИБОЙ АХМЕДОВ



А 98

Аҳмедов Бўрибой  
Ўзбек улуси. — Т.: А. Қолирий номидаги халқ мероси  
нашриёти, 1992. — 152 б.

Қўлингиздаги «Ўзбек улуси» китоби Олтин Ўрдада, Жўчи  
улуси ҳудудларида вужудга келган Абулхайрхон тузган кўч-  
манчи ўзбеклар давлатининг тарихий мавқеи, сиёсати, кейин-  
роқ Мухаммад Шайбонийхон бошлиқ ўзбекларнинг Урта Осиё-  
да темурийлар салтанатига, Шоҳрух, Хусайн Бойқаро, Заҳи-  
риддин Бобурга қарши урушлари ҳақида муфассал ҳикоя қи-  
лади.

Аҳмедов Бурибой. Государство узбеков.  
ББК 63 3(2у)+67.3.

Муҳаррир: БАХТИЕР ОМОН



А 0503000000  
М 361 (04) 92 19—92  
ISBN 5-86484-019  
© А. Қолирий номидаги  
халқ мероси нашриёти,  
«Нур» ИИБ 1992  
© Б. Аҳмедов, 1992 й.

## МУҚАДДИМА

Олтин Ўрда давлати ва темурийлар салтанатида  
феодал бошбошдоқликлар, ўзаро низолар, қирғин-барот  
жанглари авж олиши оқибатида XV асрнинг 20-йилла-  
рида Дашти Қипчоқнинг Шарқий ҳудудларида кўчманчи  
ўзбеклар давлати таркиб топди. Дашти Қипчоқнинг  
шарқий қисми Волга бўйларидан то Сирдарё шимол-  
гача бўлган ҳудудларни ўз ичига олар эди. Олтин Ўрда-  
нинг Жўчи ва Шайбон улуслари ўрамида истиқомат қи-  
лувчи турк ва турк-мўғул қабилалари XV аср форс ти-  
лида битилган манбаларда (Низомуддин Шомий,  
Муиниддин Натанзий, Шарафуддин Али Яздий, Абду-  
раззоқ Самарқандий, Мирхонд ва бошқаларнинг асарла-  
рида) «ўзбек» деган умумий ном билан аталганлар.  
Кўчманчи ўзбеклар деганда биз худди шу уруғ ва қаби-  
лаларни кўзда тутамиз. Бу давлат 40 йилдан сал-  
зиёдроқ вақт ҳукм сурган бўлса-да, аммо Ўрта Осиё ва  
Қозоғистон халқларининг кейинги тақдирларига катта  
таъсир кўрсатдилар. Кўчманчи ўзбеклар давлатининг  
асосчиси Абулхайрхон (1428—1468) бўлиб, у темурий-  
лар салтанатига барҳам берган Мухаммад Шайбоний-  
хон (1450—1510)нинг бобоси эди. XV аср ўрталарига  
келиб ўзбеклар давлати ҳозирги Қозоғистон ва жануби-  
ғарбий Сибириёнинг жуда катта ҳудудларини ўз ичига  
олган эди. Бу давлатнинг қандай таркиб топгани, рав-  
нақи ва инқирози, XV асрда шу ҳудудларда кўчманчи-  
лик билан тирикчилик ўтказган турк, турк-мўғул қабила  
ва уруғларининг ижтимоий-сиёсий аҳволи ҳозиргача та-  
рих фанига унчалик маълум эмас. XV асрдаги ўзбеклар  
давлатининг ички тузуми яхши ўрганилмаган. Шу давр-  
даги қозоқларнинг аҳволи ҳақида ҳам шунини айтиш мум-  
кин. 1440—50 йилларда турк-мўғул уруғларининг бир  
қисми Абулхайрхондан ажралиб чиқдилар ва Хоразм,  
Чу воҳаси, Етгисувга кўчиб келиб жойлашдилар. Шарқ

тилларида ёзилган манбаларда мана шу турк-мўғул уруғлари ўзбек-қozoқлар ёки қozoқлар деб аталади. Қўчманчи ўзбеклар давлатининг худудлари археологик жиҳатдан ҳам етарли ўрганилмаган. Шу давлат худудлари озми-кўпми тилга олинган ёзма манбалар ҳам бизгача жуда кам етиб келган. Хуллас, Урта Осиё ва Қозғистон халқлари тарихининг мана шу даври ҳали очилмаган қўриқлигича қоламоқда. Бу муаммони тўла ва узил-кесил ҳал этиш келгусидаги Урта Осиё ва Қозғистон халқларининг ўрта асрлардаги тарихи билан шуғулланувчи қадимшunosлар (археологлар), тарихчилар, этнограф-элшunosларнинг вазифаси бўлиб қоلسа керак. Энг муҳими, ҳали бу даврга ва шу мавзуга оид янги археологик, этнографик ва ёзма манбалар топиллиши муаммонинг узил-кесил ҳал этилишига ёрдам беради.

Урта Осиё ва Қозғистон халқларининг XV асрдаги тарихига доир археологик ва тарихий асарлардан ҳам унумли фойдаландик.

Ушбу китобда асосан Абулхайрхон давлатининг сиёсий тарихи ёритилади. Ушбу сатрлар муаллифи ўзига маълум бўлган ёзма манбалар, сайёҳларнинг хотиралари, археология ва этнография маълумотлари асосида Олтин Урдаининг шарқий қисмида қўчманчи ўзбеклар давлати таркиб топиши арафасидаги сиёсий аҳволни, мазкур давлатнинг кейинги ривожини, шунингдек қўчманчи ўзбекларнинг темирыйлар, қисман Мўғулистон ва қалмоқлар билан муносабатларининг айрим жиҳатларини ёритишга интилади.

«Ўзбек улуси» китобининг юзага чиқишига қимматли ёрдам берган устозим И. П. Петрушевскийга, асардаги айрим масалалар юзасидан маслаҳат берган Санкт-Петербург дорилфунуни Шарқ факультети доценти Л. В. Строевага, шунингдек, йирик мутахассис олимлар Я. Ф. Гуломовга, М. А. Салоҳитдиновага, Р. Ф. Муқминовага қимматли маслаҳатлари ва мулоҳазалари учун самимий ташаккур айтаман.

Шунингдек, қамна Санкт-Петербург дорилфунуни Шарқ факультети, Осиё халқлари институти Санкт-Петербург бўлими, Ўзбекистон ФА Шарқшunosлик институти, Сальников-Шчедрин номдаги Санкт-Петербург давлат кутубхонаси жамоаларига қўлёзмалар фондларидан бемалол фойдаланишга имкон берганлари учун миннатдорчилик билдиради. Китобдаги жуғрофий атамалар юзасидан фойдали маслаҳатлар берган марҳум Ҳамидулла Ҳасановдан, тарихий хариталарни тузатишда қат-

нашган Наим Норқуловдан, китоб ношири Асрор Самаддан миннатдорман.

Қўлингиздаги китоб кўчманчи ўзбеклар ҳаёти ва давлати тарихини ўрганиш соҳасида илк қадамлардан биридир.

Мазкур китоб рус тилида Москвада босилиб чиққанига чорак асрдан зиёдроқ вақт ўтди. Бу орада китоб юзасидан матбуот саҳифаларида бир қатор таниқли олимларнинг фикр-мулоҳазалари эълон қилинди<sup>1</sup>. Мен шу фикр асосида китобни қайта кўрнб, уни бирмунча тўлдирдим.

Китобнинг ўзбекча нашрини тайёрлашда ёрдамлаган Шарқ тарихи ва адабиёти ихлосманди Урфон Огажонга ҳам миннатдорчилик изҳор қиламан.

<sup>1</sup> А. Э. Эшоннов, Қўчманчи ўзбеклар давлати ҳақида китоб. Общественные науки в Узбекистане (ОНУ), 1966. № 2 В. П. Юдин. Б. Аҳмедовнинг «Қўчманчи ўзбеклар давлати» асари. ИАН, № 2, 1966.

## МАСАЛА МОҲИЯТИ. МАНБАЛАР

Ҳожи Тархон (Ашгархон, Астрахон), Қозон, Қрим, Манғит улуси<sup>1</sup> хонлиқлари ва мулклардан кейин вужудга келган Олтин Ўрда тарихини ўрганишда бугунги тарихчилик фани муайян ютуқларга эришди. Олтин Ўрда-нинг инқирози натижасида эса Абдулхайрхон бошлиқ ўзбеклар давлати ташкил топди. Ўрта Осиё, Қозоғистон, Волга бўйи ва Қрим халқлари тарихи билан шуғулланувчи ҳамма тарихчиларнинг эътирофи этишича, бу даврнинг илмий ишлари катта аҳамиятга эга. Аммо айтиб ўтиш керакки, шу пайтгача Абдулхайрхон давлатининг тарихи на бизда ва на чет элларда илмий жиҳатдан етарли даражада ўрганилган эмас.

Биз тадқиқ қилаётган мавзунинг баъзи умумий масалалари Н. И. Веселовский, В. В. Бартольд, П. П. Иванов, А. Ю. Якубовский ва А. А. Семёновлар томонидан озроқ ўрганилган.

Н. И. Веселовский Хива хонлиги ҳақидаги машхур асариди кўчманчи ўзбеклар давлатининг Абдулхайрхон вафотидан (1468—69 йй.) сўнгги аҳвали тўғрисида қисқача айтиб ўтади ва ўзбеклар, қозоқлар ҳамда қалмоқларга оид этнографик маълумотларни келтиради. В. В. Бартольд «Улугбек ва унинг даври» («Улугбек и его время») монографиясида Абдулхайрхон ва темурийлар ўртасидаги алоқаларга тўхтаб ўтади. А. Ю. Якубовский ва А. А. Семёновлар ўзбекларнинг шаклланиши ва этник таркиби ҳақида қимматли фикрлар билдиргандилар.

П. П. Ивановнинг «Ўрта Осиё тарихи очерклари» диққатга сазовордир. Бу асарнинг биринчи боби Дашти Қипчоқ ўзбеклари ва қозоқларнинг то Ўрта

<sup>1</sup> Матндаги 1—77 изоҳлар китоб охирида берилмоқда. (Мухар.)

Осиё ҳудудида тарқалгунларигача бўлган даврига бағишланган. Бу бобда у, кўчманчи ўзбекларнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳақида бой маълумотлар келтирган.

П. И. Лерхнинг асарларидан бирида ҳам Абдулхайрхон тўғрисида қисқача эслатма бор. Кўчманчи ўзбеклар давлати ҳақида бунга ўхшаш эслатмалар, маълумотлар яна бошқа бирқатор тарихий рисоаларда учрайди.

Олтин Ўрда тарихи билан шуғулланувчи чет эллик олимлардан Хаммер — Пургштал, М. Дегин, Г. Ховорс ва Б. Шпулерларни кўрсатиш мумкин. Хаммер Дашти Қипчоқда ҳокимиятни Абулхайрхон қўлга олганлиги ва темурийларнинг Самарқанддан тахтини эгаллашда султон Абусаъидга ёрдам берганлиги ҳақида ниҳоятда қисқача тўхталиб ўтади. У Абдулхайрхонни ўзбекхон сулоласига мансуб деган фикрни билдирадики, бу мунозаралидир. М. Дегин ва Г. Ховорсларнинг маълумотлари баъзан юзаки ва умумий. Дегин султон Абусаъид ва Муҳаммад Жўқийларнинг Абулхайрхон ҳузурига Самарқанд тахти учун курашга ёрдам беришини сўраб борганларини эслатиб ўтади. Бунинг устига, баъзи жойларда воқеаларнинг саналарини муамлиб хато кўрсатиб ўтади. Масалан, Дегинда, Муҳаммад Жўқий ва ўзбекларнинг Мовароуннаҳрга кириб келиш вақти 1456 йил дейилади, аслида эса бу воқеа анча кейинроқ — 1460 йилда юз берган эди. Ховорс бўлса ҳеч қандай хулосалар чиқармай, Масъуд ибн Усмон Қўҳистонийнинг «Тарихи Абулхайрхоний» асари сўнгги қисмининг қисқа мазмунини ва Абулғозихоннинг машхур «Шажараи-турк» асарида Абулхайрхон тўғрисидаги маълумотларини келтириб қўйган, холос.<sup>2</sup>

XV асрда ўзбеклар билан темурийларнинг муносабатлари ва Абулхайрхоннинг юксалиши ҳақидаги баъзи умумий маълумотлар Ҳ. Вамбернинг кенг қўламдаги «Бухоро тарихи» асарида мужассам бўлган.

Биз дуруст ўрганилмаган Оқ Ўрда ва Шайбоний улусининг сиёсий тарихи ҳамда XV асрдаги Дашти Қипчоқ шарқий қисмининг ижтимоий-иқтисодий тарихига имкон борича тўхталиб ўтамиз. Охириги муаммони ёритиш қўл-ёзма манбаларнинг ниҳоятда озлиги ва тарихшуносликда кўчманчиларнинг жамоаларидаги патриархал-феодал муносабатлар билан боғлиқ баъзи назарий масалалар ўрганилмаганлиги сабабли анча мушкулот туғдиради. Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг кўчманчи халқларида мавжуд бўлган патриархал-феодал муноса-

батлар масаласи ҳали яхши ёритилмагани учун ҳам вақт-вақти билан жўшқин тортишувлар ва баҳслар бўлиб туради. Бу масала 1933 йил июнида ИГАИМК<sup>1</sup>нинг мажлисида, 1954 йили эса Тошкентда ўтган тарихчилар илмий анжуманида муҳокама қилинган эди. Бу анжуманларда баъзи муҳим масалалар ҳал бўлди, аммо кўчманчи ва ярим кўчманчи халқлардаги патриархал-феодал муносабатлар муаммоси бўйича турли фикрлар билдирилиб, олимлар муайян бир фикрга келолмадилар. Айтиб ўтиш керакки, Тошкент анжуманидан кейин илмий мажаллаларнинг саҳифаларида мунозаралар ташкил этилди, уларда мутахассис-олимлар ўзларининг фикрларини билдирдилар.

Китобнинг учинчи бобида биз XV асрда кўчманчи ўзбеклардаги патриархал-феодал муносабатлар ҳақида дастлабки мулоҳазаларимизни айтиб ўтамиз. Улар XV—XVI асрлардаги Дашти Қипчоқ кўчманчи аҳолисининг турмушидан хабардор бўлган сайёҳларнинг ахбороти, қадимшўнослар (археологлар) изланишлари натижалари ва асл манбаларга асосланиб билдирилган.

Энди, кўчманчи ўзбекларнинг ўзлари аслида ким бўлганликлари, этник таркиби қандай эканлиги масаласига қисқача тўхталиб ўтайлик.

Ўзбекларнинг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Баъзи олимлар кўчманчи ўзбекларнинг келиб чиқишини Олтин Ўрда хони Ўзбекинг (1312—1342) номи билан боғлайдилар. Н. А. Аристовнинг фикрича, Ўзбекхонгача ўзбек номи тарихда учрамайди, шунинг учун ҳам бу ном шу подшонинг номида ошланган, дейиш мумкин. А. Якубовский «ўзбек» иборасининг пайдо бўлишини «ўзбеклар», «ўзбеки», «ўзбекилар» сўзлари билан боғлайди ва ўзбеклар ўз номларини Олтин Ўрда хони ўзбек номидан олганлар, деган фикрни билдиради. И. П. Иванов ҳам шундай нуқтаи назарни тўғри деб биллади. «Ўзбек» сўзининг пайдо бўлиши, — ёзади у. — Олтин Ўрда хони номи билан боғлиқ бўлса керак». Четэллиқ тарихчилардан М. А. Чапличка ва Хильда Хуккеллар ҳам ўзбекларнинг келиб чиқишини Ўзбекхон номи билан боғлайдилар. Ўз пайтида бундай фикрларга В. В. Григорьев қарши чиққан эди. А. А. Семёнов ҳам бу фикрнинг асоссиз эканлигини кўрсатиб ўтган. Унинг айтишича, «ўзбек» ибораси Оқ Ўрдада пайдо бўлгач, Эрон, Урта Осиё тарихчилари томонидан XIV—XV аср-

ларда Оқ Ўрдадаги турк-мўғул қабилалари номига қўшиб ёзилган, Ўзбекхон эса Кўк Ўрда, яъни Олтин Ўрданинг подшои бўлиб, кейинчалик «ўзбеклар» деб аталган қабилалар унга бўйсунмаганлар. Биз А. А. Семёнов ҳақ бўлса керак, деб ўйлаймиз.

Х. Вамбери, Х. Ховорс ва М. П. Пеллиоларнинг фикрича, Дашти Қипчоқнинг турк-мўғул қабилалари бу номини ўзларининг эркинликлари сабабли олганлар (Ўз-ўзига бек)». Х. Вамберида қуйидаги қизиқ маълумот мавжуд: «Ўзбек» сўзининг туб маъноси — «ўз ўзига бек, хўжайин, мустақил». Ажабо, бу сўз қадимги мижорларда (венгрларда) ҳам мартаба, унвон сифатида учрайди ва шу маънода 1450 йилга мансуб хужжатларда қайд этилган.

«Ўзбек» сўзи XIII—XIV асрларда, Жувайний ва Рашидиддинларнинг асарларидан ҳам маълум эди. Бу сўз, Элхон Обоқа (1265—1282) замонида Эронда яшagan Пури Баҳонинг (Тожиддин ибн Баҳоуддин достонида ҳам учрайди. «Тарихи гузида» нинг Зайниддин Қазвиний томонидан ёзилган давомида «ўзбекиён» (ўзбекчилар»), «мамлақати ўзбек» ва «улуסי ўзбек» сўзларини учратамиз. Бу ерда сўз Оқ Ўрда кўчманчилари эмас, Ўзбекхон ва унинг давлати ҳақидадир.

Шундан кейин, то XIV асрнинг 60-йилларигача «Ўзбек» сўзи манбаларда учрамайди. XIV асрда яшаб ижод этган араб муаррихлари: Носируддин ибн Фурат (1361—1404), ал-Асадий (1377—1447), ал-Айнийлар (1361—1451) Ўзбекхон ва ундан кейинги Олтин Ўрдада ҳукмронлик қилган хонларни «шимол даштларининг подшоҳлари», «дашт султонлари», «дашт мамлақатларининг подшоҳлари» ва «қипчоқларнинг подшоҳлари» деб атаганлар. Бу ерда шун ҳам айтиб ўтиш керакки, бошқа бир араб тарихчиси ал-Қалкошондий (1418 йилда вафот этган) Тўхтаминини ўзбеклар подшои дейди. Номзоддин Шомний (XIV аср охири, XV аср) ўз рисоласинда Тўхтамиш ўғлонининг Дашти Қипчоқдан Самарқандга келгани тасвирланган ўринда бундай деб ёзади: «У (Темур) Тўхтамишга ўтрор ва Саврон вилоятларини иноят қилди ва уни ўша ерларга юборди. Бир қанча вақт ўтгандан кейин ўзбек подшои Ўруسخоннинг ўғли Қутлуғ Буқо қўшин билан келиб Тўхтамиш ўғлон билан жанг қилди».

Маълумки, XIV асрнинг 80-йиллари охириларида, бундан аввалроқ Оқ Ўрданинг хони бўлган Тўхтамиш Темурнинг фаол ёрдами билан Мовароуннаҳрнинг шимо-

<sup>1</sup> Известия Государственной академии истории материальной культуры.

сўз юртыганида Тўхтамиш қўшинларини ўзбек қўшялла-  
ри (сипохи ўзбак) деб атайдн. 1391 йили Кундуздадаги  
жангда қатнашган қўшинларни ҳам Хондамир ўзбек қў-  
шинлари дейди. Муъинуддин Натанзий Едигей ва Қут-  
луғ Темурлар бош бўлиб 1399 йили Тўхтамишга қар-  
ши чиққан аскарларни ҳам ўзбеклар дейди. Едигей,  
унинг укаси Исабек ва Олтин Ҳрданинг кўзга кўринган  
бошқа амирлари ҳамда Шодибек, Пўлодхон, Улуғ Му-  
хаммад (ёки Муҳаммадхон) юқорнда номлари келтирил-  
ган тарихнавислар томонидан Дашти Қипчоқ ва ўзбек  
вилоятларининг ҳокимлари (подшоҳи Дашти Қипчоқ ва  
вилояти ўзбак) деб аталганлар. Бу масала бўйича  
Мирзо Улуғбекнинг (1409—1449) «Тарихи арбаъ улус»  
(«Тўрт улус тарихи») рисоласи диққатга сазовордир. Бу  
асарда Ўзбекхон ўзбек улусига (дар улуси ўзбак) под-  
шоҳ бўлди, дейилади. Сўнгра, 720 ҳ. йилда (1320 мело-  
дий) Сайид Отанинг<sup>1</sup> саъий-ҳаракатлари билан Дашти  
Қипчоқ аҳолиси мусулмон динини қабул қилдилар. Ис-  
ломни қабул қилганларни ўзбеклар, қабул қилмаганлар-  
ни эса қалмиқ (қалмоқ) деб атай бошладилар.

Келтирилган маълумотлар асосида хулоса қилиб  
айтиш мумкинки, «Ўзбек» ибораси Дашти Қипчоқдаги  
турк-мўғул аҳолисининг умумлашган атама номи сифа-  
тида XV асрдагина пайдо бўлган. Аммо, ўзбеклар Даш-  
ти Қипчоқда фақат XIV аср охирилари, XV аср бошлари-  
дагина пайдо бўлганлар, деб ўйлаш хато бўлар эди. Ҳо-  
зиргн ўзбеклар, қозоқлар, қорақалпоқлар ва бошқа  
халқларнинг аждодлари шу халқлар ҳозир яшаётган  
ерларда қадим замонларда ҳам яшаганлар, лекин ўзбек-  
лар, қозоқлар, қорақалпоқлар деб аталмаганлар. Тари-  
хий, адабий манбаларда Дашти Қипчоқнинг шарқий қис-  
мида қадим замонлардан бери турк қабилалари яша-  
ганлари ҳақида анчагина маълумотлар мавжуд. Бу  
ерларни XIII аср бошида забт этган мўғуллар бўлса,  
Дашти Қипчоқнинг турк қабилалари орасида тез орада  
сингиб кетганлар ва ҳатто ўз миллийлигини йўқотган-  
лар, Чингизхон қўшинларининг кўпгина қисмини туркий  
қабилалар ташкил этганлигини ҳам унутмаслик зарур.

Масъуд ибн Усмон Кўҳистоний шаҳодат беришча,  
Оқ Ҳрда, яъни кўчманчи ўзбеклар таркибига қуйидаги  
қабилалар кирган: буркут, қиёт, қушчи, қўнғирот, ушун  
(усун), ўтачи, найман, жот, чимбой, қорлиқ, кенагас,  
дўрмон, қурловут, туб, ойи, манғит, нўкуз, уйғур, хитой,

<sup>1</sup> Сайид ота — Ҳаким ота мазори мутаваллиси. 1291—1292 йил-  
да Оролбўйида вафот этганлар.

лий томонларни талон-торож қилиб турарди. 1389 йили  
Темур унга қарши қўшин сурди. Темур қўшини Сариг-  
ўзан деган ерга етиб келганида, «нўёонлар ва амирлар  
йиғилишиб, «агар биз аввал Анқо Тўра<sup>4</sup> устига юриш  
қилиб у газандани янчиб ташласак, сўнгра ўзбеклар диё-  
рига («Диёри ўзбак») ўтсак маъқулроқ бўларди», деб  
(Темурга) арз қилдилар. Темур ушбу режага рози бў-  
либ, Бўрибоши орқали Анқо Тўрага қарши юриш қилди.  
Абдураззоқ Самарқандий Темурнинг Анқо Тўрага қар-  
ши юришини батафсил баён қилади, дарвоқеъ асарда  
бундай дейилади: «ҳижрий 792 йилнинг (милодий 1390)  
ўзнда Темур Мўғулистонга<sup>5</sup> қараб юрди ва йўлда учра-  
ган асирлар унга Анқо Тўранинг Мўғулистондан қочиб  
кешиб ўзбек саҳроларида (дар саҳрон ўзбак) яширин-  
ганлигини айтидилар. Темур аскарлари қочоқларни уч  
кунгача ўзбек даштида излаб юрдилар ва, ниҳоят, тўр-  
тинчи кун қоровуллар (разведка) ёғининг (душман-  
нинг) шу ерда, яқин жойда эканлиги ҳақидаги хабарин  
етказишди. Утказилган қисқа маслаҳат-кенгашдан сўнг  
Темур қўшинларини уч қисмга бўлиб, Анқо Тўра ва  
унинг қўшинини излаб топшига киришди. Жамолдин  
Ҳамид ва шаҳзода Умар-Шайхнинг аскарлари ёвни ўраб  
олишга киришди. Темур бўлса ўртада қолиб, душман  
устига юрдилар. Умар Шайх аскарлари Шербат йўли-  
дан бориб, Қора Хужарни кесиб ўтдилар-да, мўғуллар-  
нинг асосий чекиниш йўлларини тўсиб қўйдилар. Қиёс  
мавзенда Умар Шайх Анқо Тўрани қувиб етиб, мағлу-  
биятга учратди (Тўра чекинди». Анқо Тўрани қувиб  
Умар Шайхнинг ўғлонлари Олакўлгача бордилар.

Манбаълар Анқо Тўранинг Тўхтамиш билан алоқала-  
ри тўғрисида бирон-бир хабар бермайдилар. Аммо, мў-  
ғуллар, қудратли Темурга қарши курашини ниятида у  
билан (Анқо Тўра билан) иттифоқ бўлишга интиланлар  
ва 1388 йили ҳақиқатан ҳам мўғул ҳокими Қамаруддин  
(1362-63—1388-89 йй. хукмронлик қилган) Тўхтамиш  
билан иттифоқ бўлишга эришиб, Умар Шайхни Жўлак-  
даги жангда енгишга муваффақ бўлган.

Юқорнда келтирилган далиллар, биринчидан, Дашти  
Қипчоқнинг чул қисми Ўзбек дашти деб аталгандан,  
иккинчидан эса, бу пайтга келиб кўчманчи ўзбеклар  
Сирдарёнинг шимол томонидаги ерларнинг анчагина  
қисмида хукмрон эканликларидан далолат беради. Тўх-  
тамиш қўшинларининг аксарияти кўчманчи ўзбеклар  
эдилар.

Хондамир ҳам 1388—89 йиллар воқеалари ҳақида

тоғонда, эчки, туман-минг. Камолиддин Биноийнинг «Шайбонийнома» асарида, XV асрнинг 80-йилларида Шайбонийхонни қўллаб турувчи қабилалар орасида яна шодободли ва шунқорли қабилалари ҳам эслаб ўтилади. Маҳмуд ибн Валининг сўзларига қараганда, Абулхайр-хоннинг қўшинларида уйғур, можор ва қипчоқларнинг жанговар гуруҳлари бўлган.

Бу қабилаларнинг келиб чиқишлари турли хилда. Масалан, қўнғирот, нўкуз ва қиёғлар — мўғулга, тангутлар бўлса — Тибетга таалуқли.

Хитойлар хусусига келсак, уларнинг аجدдолари — X—XI асрларда шимоли-шарқий Хитойда яшаб ҳукмронлик қилган кидонлардир.

Рўзбехон XVI аср бошларида «ўзбекларга уч тонфа («халқни»), яъни қабилалар бирлашмасини таалуқли, — дейди, — булар Шайбон улусига қарашли барча қабилалар, қозоқлар ва, ниҳоят, мангитлардир». Маълумки, Дашти Қипчоқдаги кўчманчи ўзбеклар иттифоқини ташкил этган кўп қабилалар замон ўтиши билан парчаланиб келиб, унинг бўлаклари қозоқлар, қорақалпоқлар, бошқирдлар ва бошқаларнинг таркибига кирганлар, ammo ўзларининг қabila номларини сақлаб қолганлар.

XV асрнинг бошларида юқорида айтиб ўтилган қабилаларнинг бир қисми (ўзбеклар; шарқ муаллифлари иборалари бўйича — «ўзбако») Шайбонийхон атрофида бирилашиб, Қипчоқ даштидан Урта Осиёга бостириб кирдилар ва ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида тургун бўлиб қолдилар. Шу пайтдан бошлаб «ўзбек» ибораси этник маъно касб этди ва бу ҳудуддаги туркий аҳоли «ўзбек» номини қабул қилди. Шу ерда таъкидлаб ўтишимиз керакки, кўчманчилар аввал қайси қабиллага мансуб бўлсалар, ўша номни сақлаб қолганлар ва то XX асргача аجدодий-қабилавий бўлинишларни сақлаб қолганлар. Ammo, бу ўзбек халқининг келиб чиқиши XVI асрга тўғри келади, деган гап эмас. Бу ерда сўз фақат «ўзбек» иборасининг этник номи сифатида пайдо бўлган вақтга ҳақида кетмоқда. Маълумки, қадимдан Урта Осиёда туркий ва туркий тилда сўзлашувчи халқлар яшаганлар. Дашти Қипчоқнинг кўчманчи ўзбеклари бўлса, Мовароуннахрнинг туркий аҳолиси орасида сингиб кетиб «охирги қўшилганлар сифатида ўз номларини уларга берганлар».

Энди, асосий манбалар ҳақида. Биз тадқиқ этаётган муаммога доир асосий манбаларни қисқача баён қилишдан аввал, Масьуд ибн Усмон Қўҳистонийнинг

асаридан бошқа кўчманчи ўзбеклар давлатининг сиёсий тарихини акс эттирувчи рисоалар йўқ эканлигини таъкидлаб ўтамиз. Аввалги Жўчи улуси ғарбий қисмининг тарихи бўйича турли тилларда ёзилган манбалар кўп бўлса ҳам, Шайбон улусининг тарихи манбаларда яхши ёритилмаган. Агар Муъйиниддин Натанзийнинг қимматли, ammo деярли ўрганилмаган «Мунтахаб ул таворих» номи асарини ҳисобга олмаб, бундай манбалар Урда улуси бўйича ҳам йўқ. Шунинг учун ушбу сатрларнинг муаллифи теурийлар даврига мансуб, асосан Шайбонийхон замонида ва ундан кейинги пайтларда ёзилган асарларга мурожаат этишга мажбур бўлди. Машаққатли изланишлар натижаси ўлароқ, қатралаб зарур маълумотлар тўлланди. Бу манбалар, биттасидан («Таворихи гузида. Нусратнома») ташқари, форс тилида ёзилган: уларнинг тили замон талабига мувофиқ саж билан ёзилган ўхшатишлар, муболағаларга бой, «Қуръони карим» дан ва ҳадислардан кўп кўчирилган (айниқса, «Меҳмонномаи Бухоро») ҳамда шеърлар кўп келтирилган.

Буларнинг ҳаммаси асарни бойитиб безаса ҳам, маълум даражада ўқишни қийинлаштиради. Бу асарларнинг муаллифлари ерли феодал ҳокимларнинг саройларида хизмат қилувчи шахслар бўлганлари учун уларнинг қаҳрамонликлари ва хайрли ишларини мадҳ этадилар. Бу китобларда ҳоким бўлган феодал олий табақа ғоялари асосий йўналиш бўлганлиги сабабли меҳнатқаш омманинг ҳаёти ёритилмаган, ижтимоий-иқтисодий далиллар кам учрайди. Бу манбаларни танқидий ўрганиш жараёнида уларнинг шундай хусусиятлари ҳисобга олинди.

Уларнинг баъзиларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Кўчманчи ўзбеклар ҳақида, аниқроғи уларнинг теурийлар билан XIV ва XV асрлардаги ўзаро алоқалари тўғрисида Абдураззоқ Самарқандийнинг (1413—1482) қимматли, ammo шу пайтгача тадқиқотчилар томонидан кам ўрганилган «Матлаъ ус-саъдайн» асарида анчагина маълумотлар мавжуд. Тилининг жимжимадорлиги ва боснинг анъанавийлигига қарамай, Абдураззоқ Самарқандийнинг асари маълум даражада ҳаққий бўлиб, Мовароуннахр ва Хуросоннинг XV аср тарихини ўрганиш бўйича бебаҳо тарихий манбадир. Бу асар мутлоаси давомида ўқувчи ташқи ва ички сабаблар таъсирларида давлатлари инқирозга юз ўгираётган пайтдаги Шоҳруҳ ва Абусаъидларнинг даврларини кўз ўнгига келтиради. Зодагонлар ўзаро курашларининг тасвири, қишлоқ ва

Шоҳар аҳолисининг аҳволи, оз бўлса-да феодал йнститутлар ва ер эгалиги (суюрғол, тиюл), солиқлар (тамға, сари шуморо ва б.), теурийларнинг кўчманчи ўзбеклар билан ўзаро алоқалари бутун китобда ўз аксини толган ва фақат диққат билан ўқилгандагина керакли маълумотларни саралаб олиш мумкин бўлади. Абдураззоқ Самарқандийнинг асаридан олинган маълумотлар бу китобга қисман асос бўлди.

Мирхонднинг (Муҳаммад ибн Ховандшоҳ ибн Маҳмуд (1433—1498) машҳур, салмоқдор асари «Равзатулсафо» («Покиза жаннат боғи») да кўчманчи ўзбекларнинг теурийлар билан (масалан, Абдураззоқ Самарқандий ва бошқа муаллифларда бўлмаган) ўзаро алоқалари ҳақида баъзи маълумотлар бор. Бу маълумотларга аввало, Жумадуҳ номли ўзбек углонининг 1420 йили Самарқандга элчилар юборгани, Шоҳруҳнинг кўчманчи ўзбекларнинг хуружларидан сақланиш учун салтанатнинг шимолий чегараларини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширган тадбирлари киради. Мирхонд ишини унинг набираси, XV асрнинг охири, XVI асрнинг бошларидаги юксак истеъодли тарихчи Хондамир (Ғиёсиддин ибн Хумомиддин Муҳаммад Хованд Амир — 1475—1535) давом эттирган. Унинг асари — «Ҳабибулснйар» («Дўстларнинг ҳаётномалари») учинчи қисмидаги маълумотлардан ушбу рисоламизда бир мунча фойдаланилди. Бу асарда Султон Хусайн Бойқаронинг (1469—1506) ўзбек хонларидан бири бўлган Мустафо унинг укаси Шоҳ Будоғ султон ва кейинроқ Абулхайрхон билан ўзаро муносабатлари батафсил тасвирланган.

Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг (1500—1551) «Тарихи Рашидий»сида ўзбек зодагонларининг XV асрнинг иккинчи ярмидаги ўзаро курашлари ва кўчманчи ўзбеклар давлатининг инқироzi озроқ ўз аксини тошган.

Муаллифи номаълум бўлган «Тарихи гузида. Нусратнома» да («Сайланган тарихлар. Зафарлар китоби») кўчманчи ўзбеклар давлатининг тузилиши ҳақида фикр юритишга имконият берувчи маълумотлар мавжуд. Китобда ўзбекларнинг қўшини ва бу қўшинни моддий таъминлаб туриш учун аҳолидан олинadиган солиқлар ҳақида ҳикоя қилинади. Бундан ташқари, унда баъзи бир мажбурий хизматлар ва раиятдан олинadиган бошқа солиқлар (хирож, созурин, ошлиғ ва б.) ҳақида маълумотлар бор. «Нусратнома» эски ўзбек тилида ёзилган ва 1505 йилларда ёзилган. Бу асар туркларнинг қадimgи афсонавий аждодлари ва Чингизхондан тортиб то

Шайбонийхон томонидан Андижоннинг забт этилишига-ни (1504 й.) бўлган катта бир даврни қамраган. «Нусратнома»нинг туркларнинг қадimgий аждодлари ва Чиндхон ҳақида ҳикоя қилувчи биричи қисми алоҳида қимматга эга эмас, муаллифнинг эътироф этишига кўра, ундаги маълумотлар Жувайний, Рашидиддин ва бошқа аввалроқ ўтган тарихнавислардан олинган. Булардан ташқари, муаллиф Улуғбекнинг «Тарихи арбаъ улус» рисоласидан фойдаланган.

«Нусратнома»нинг фақат икки нусхаси маълум. Бири Шарқшунослик маъхад (институт)нинг Санкт-Петербург бўлими кутубхонасида, иккинчиси — Англияда, Британия музейида.

Бу асарда Абулхайрхон вафотидан (1468) кейин кўчманчи ўзбеклар давлатининг аҳволи, Шайбонийхон ва бошқа ўзбек султонларининг Мовароуннаҳрга юришлари батафсил ёзилган. «Нусратнома»нинг Абулхайрхон вафотидан кейин, то шайбоний ўзбекларнинг Мовароуннаҳргача бостириб киргунарлигача бўлган воқеалар ҳикоя қилинган бўлиmlари «Шайбонийнома» мазмуни билан деярли бир хил.

Иккала муаллиф ҳам битта асосий манбадан фойдаланган бўлсалар ажаб эмас.<sup>6</sup>

Муҳаммад Солиҳнинг (вафоти 941 ҳижрий, 1534—35 милодий йил) «Шайбонийнома» манзумасида ҳам кўчманчи ўзбекларнинг ижтимоий ва снсий ҳаётига онд анча далиллар бор. Олимлар томондан ҳали яхши эътибор берилмаган, аммо жуда қимматли ушбу асарнинг муаллифи Темур ва Шоҳруҳнинг юқори мансабли амирларидан бири бўлган Шоҳ Маликнинг авлодидан Муҳаммад Солиҳдир.

Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома»си Шайбонийхоннинг 1500—1505 йилларда қозонган зафарлари ва фотехлигининг маҳиясидир. У эски ўзбек тилида ёзилган бўлиб, ўзида бой этнографик далиллар ва ўзбек кўчманчи ҳамда у пайтлари фуқароларга юклатилган мажбуриятлар, баъзида созурин, омонлик моли (моли омон), ошлиғ каби солиқлар ҳақида қимматли маълумотларни жам этган. Муаллиф ўзбекларнинг муғуллар билан, айниқса, уларнинг Тошкентдаги ҳокими Султон Маҳмудхон (1487—1503 йилларда ҳукмронлик қилган) билан бўлган ўзаро муносабатлари ва Мовароуннаҳрдаги теурийлар давлатининг XIV аср охирилари — XV аср бошларидаги аҳволи ҳақида муфассал ҳикоя қилади.





Қамолдин Биноийнинг (1453—1512) Шайбонийхонга бағишланган ва унинг кўрсатмаси билан тузилган «Шайбонийнома» деб аталувчи тарихий асарда ҳам кўчманчи ўзбеклар тарихи ҳақида анча қимматли маълумотлар бор.

Биноийнинг ушбу асари кўчманчи ўзбеклар давлатида Шайх Хайдархон (1469 й. бошлаб) ҳукмдорлигидан бошлаб бўлиб ўтган воқеаларни ҳикоя қилади ва Шайбонийхоннинг Хоразмни забт этиши (908 х. й. — раббул охирининг ўрталари, — 1503 йилнинг октябри, мелодий) билан якунланади. Шайх Хайдархоннинг тахтдан тушиши ва шу билан бирга кўчманчи ўзбеклар давлати инқирозининг сабабини Биноий Дашти Қипчоқ аҳолисининг хонга бўлган ишончсизлигида деб тушунади. «Абулхайрхоннинг вафотидан кейинроқ, — деб ёзади Биноий, — бу пайтни энг қулай ҳисоблаб, вилоятларнинг султонлари Шайх Хайдархонга қарши бош кўтардилар». Биноийнинг асарини ўқиш давомида ўзбеклар давлатида хон ҳукмронлиги қанчалик заифлашиб қолганлиги равшанлаша боради. Биноийнинг айтишича, Шайх Хайдархоннинг кўпдан-кўп даъватларига қарамай, ўзининг шахсий навқарларидан бошқа ҳеч ким қароргоҳга келиб қўшилмади, патижада у Аҳмадхон, Ибкоҳон, Бурка султон ва манғитларнинг бирлашган қўшинларига бардош беролмади. Бу маълумотлардан, Абулхайрхондан кейин ўзбек давлатида улуслар тарқоқлиги қанчалик кучайиб кетгани маълум бўлади. Шайх Хайдархоннинг уларни бирлаштириш учун қилган уринишлари беҳуда кетган эди.

Бундан ташқари, Биноийнинг «Шайбонийнома» сида Шайбонийхон ва Абулхайрхоннинг бошқа авлодлари — Кўчкунчи султон, Суюнчхўжа ва бошқаларнинг «қозоқлик»<sup>7</sup> йиллари, уларнинг Урусхон авлодлари билан ўзбек улусида ҳукмронлик учун курашлари ва, ниҳоят, кўчманчи ўзбекларнинг темурийлар ҳамда қозоқ хонлари билан аввалида Сирдарё бўйи шаҳарлари: Ясси, Саврон, Утрор, сўнгра Мовароуннаҳр учун олиб борган курашлари батафсил баён қилинган. Маълумки, Мовароуннаҳр темурий ҳукмдорларининг ўзлари кўчманчи ўзбек зодагонларини шу пайтда Тошкент шаҳри ва вилояти қўл остида бўлган темурийларнинг шимолӣ чегараларига таҳдид қилаётган мўғуллар билан курашга жалб этидилар. Ўз навбатида мўғулларнинг Тошкентдаги ҳокими Султон Маҳмудхон ҳам темурийлар билан курашда кўчманчи ўзбеклардан мадад олиб турарди. Шайбоний

хоннинг ўзбеклар ҳам гоҳ темурий Султон Аҳмад мӣрзо билан келишар, гоҳида Султон Маҳмудхонга кўмак кўришарди. Бу воқеалар ҳақида Биноийнинг биз баён қилган асарида муфассал ҳикоя қилинади.

Шуни ҳам диққатга сазоворки, Мовароуннаҳрда темурийлар ҳукмдорлигининг охири кунларини тасвирлаётганда Биноий темурийлар давлатининг инқирози сабабларидан бири сифатида шаҳзодалар орасида ва уларнинг хизматидаги амирлар орасида бирдамлик бўлмаганини кўрсатиб ўтади.

Биноийнинг «Шайбонийнома»сида кўчманчи ўзбеклар давлатининг тузилиши ва хусусиятлари, уларнинг уринишлари ва озиқ-овқат билан таъминлаш, кўчманчи зодагонларга катта фойда келтирадиган ҳарбий амаллар ҳамда ўлжаларнинг тақсимоги, шунингдек кўчманчи ўзбекларнинг Мовароуннаҳр обод мавзёъларига унглама хужумлари ва бу юртининг тинч аҳолисини таъминлаши ҳақида маълумотлар мавжуд. Бундан ташқари, Шайбонийхоннинг ўзбек улусидаги ҳокимият учун кураш йилларида ҳам, Мовароуннаҳрда темурийлар билан кураш йилларида ҳам қўллаб-қувватлаган қабилаларнинг номлари ва уларнинг йўлбошчилари исмлари келтирилган.

Сирдарё бўйидаги ўша даврларда мавжуд бўлган алъа-шаҳарлар: Аркўк, Ўзганд, Сигноқ, Ясси (Туркистон), Саврон ҳамда Хоразмнинг баъзи шаҳарлари: Ирсак, Вазир, Булдумсоз, Адоқ ва ҳозирги кунларда айроноси қолган шаҳарлар ҳақидаги Биноийнинг маълумотлари эътиборга лойиқдир.

Биноийнинг асари ўқимишли, раван форс тилида шикан. Шайбонийхоннинг мӣрзоси Мўмин мунший томонидан китобат этилган ва баъзи саҳифаларини (3а, 24а, 1а саҳифалар) Шайбонийхоннинг шахсан ўзи кўчирганлиги қадимги нусха (тартиб № 844) ҳозирги пайтда Ўзбекистон ФА сининг кутубхонасида сақланади. Шу ернинг ўзида сақланадиган бошқа нусхалар (улар 6 та) эса, XX асрнинг биринчи чорагига мансуб бўлиб, деярли ҳаммаси тўла эмас ва баъзи нуқсонларга эга.

Биноийнинг асари Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг ўрта асрдаги тарихини ўрганиш учун қимматли манба бўлса ҳам шу пайтгача нашр этилган эмас. Ўзбекистон республикаси ФА нинг Шарқшунослик институтида унинг матни ва таржимаси изоҳлари билан нашрга тайёрланган. Аммо афсуски, шу пайтгача бу нашр амалга оширилган эмас. Айтиб ўтишимиз керакки, Биноий «Шайбо-

ҳукмронлик қилган теурийлар — Заҳридин Мухаммад Бобур ва авлодининг тарихидир. Афсуски, бу жид ҳам қўлимизда йўқ. «Баҳр ул-асрор», бахтга қарши, уни таржима қилиб чоп этиш уёқда турсин, ҳали етарли даражада ўрганилмаган, ваҳоланки унинг ҳеч бўлмаганда шу олтинчи жидди матнини нашр этиш жуда зарурдир. Шунда, ҳеч бўлмаганда, унинг нуسخаси кўпайиб қоларди.

## МУНДАРИЖА

Муқаддима . . . . .	5
<i>Биринчи боб</i>	
Масала моҳияти. Манбалар . . . . .	8
<i>Иккинчи боб</i>	
Кўчманчи ўзбеклар давлати Абулҳайрон даврида . . . . .	26
<i>Учинчи боб</i>	
Кўчманчи ўзбекларнинг давлат тузуми. Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар . . . . .	57
<i>Тўртинчи боб</i>	
Кўчманчи ўзбекларнинг теурийлар билан ўзаро алоқалари . . . . .	86
Сўнги сўз . . . . .	121
Изоҳлар . . . . .	125
<i>Иловалар.</i> Китобни ёзишда фойдаланилган манбалар . . . . .	131
<i>Масъуд ибн Усмон Қўҳистоний.</i> «Тарихи Абулҳайроний» . . . . .	131
<i>Қамолдин Биноий.</i> «Шайбонийнома» Мухаммад Солиҳ «Шайбонийнома» . . . . .	134
<i>Абулҳайр Фазлуллоҳ ибн Рузбехон.</i> «Меҳмонномаи Бухоро» . . . . .	137
<i>Мирзо Мухаммад Хайдар.</i> «Тарихи Рашидий» . . . . .	145
<i>Маҳмуд ибн Вали.</i> «Баҳр ул-асрор» . . . . .	146